



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Когон тумани

2022 йил 25 апрел 4-2002-2201/256-сонли иш

Қоракўл туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Зоировнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Насуллаева котиблигида, аризаچининг вакили [REDACTED] (2022 йил 17 январдаги 22-02329-сонли ишончнома асосида), (жавобгар вакили иштирок этмади) иштирокида аризаچи ААААнинг жавобгар ББББмасъулияти чекланган жамиятига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган ишни Когон туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Аризаچи - АААА иқтисодий судга мурожаат қилиб, жавобгар - ББББмасъулияти чекланган жамиятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, 41638366 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризаچи вакили аризадаги важларни такрорлаб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хатида 2022 йил 01 январ ҳолатида муддати ўтган қарздорликлар тўғрисида маълумоти ва ТСОЯЭАТ маълумотида кўра ББББмасъулияти чекланган жамиятининг контрагентлари “ТОО TEMIRTAU TRADE” бўлган 207184917302140569200200002-рақамли импорт шартномаси бўйича 2021 йил 28 октябрда 62000,0 АҚШ доллари, “ТОО Novoishinskaya zernovaya kompaniya” бўлган 207184917302140569200200001 – рақамли импорт шартномаси бўйича 2021 йил 28 октябрда 15000,0 АҚШ доллари қийматида, жами 77000 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебиторлик қарзи вужудга келганлиги қайд этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 28-бандига мувофиқ «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни таъминламаган жавобгарга жарима қўллаш тўғрисида талабнома электрон равишда унинг шахсий кабинетига юборилганлигини, жавобгар талабномани эътиборсиз қолдирганлигини, 77000,0 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг 10 фоизи – 7700,0 АҚШ долларини ташкил қилишини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5087-сонли Қарорида 2021 йил 01 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишлани бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилиши, 2021 йил 01 май ҳолатида шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилганлигини ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 01 майдан бошлаб янгидан ҳисобланишини

белгиланганлигини, шу сабабли, дебитор қарздорликнинг 5 фоизи миқдорида (2022 йил 31 январдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси 10815,16 сўм бўйича) сўмдаги эквиваленти 41638366 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўради.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар вакил иштирокини таъминламади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 128, 170, 220-моддаларини қўллаб, ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблайди.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатларидан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, ТСОЯЭАТ (ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими) маълумотида кўра, жавобгар – ББББмасъулияти чекланган жамияти ва “ТОО TEMIRTAU TRADE” ўртасида 2020 йил 17 июлда 207184917302140569200200002-рақамли, 2020 йил 28 февралда “ТОО Novoishimskaya zernovaya kompaniya” билан 207184917302140569200200001 – рақамли импорт шартномалари импорт шартномаси тузилган.

Мазкур шартномага асосан жавобгар - ББББмасъулияти чекланган жамияти томонидан «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кирилмаслиги ва расмийлаштирилмаслиги натижасида 2021 йил 28 октябрда 77000,0 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандида чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни 30 банк кунидан ортиқ таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк кун) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:

180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

180 кундан 365 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

365 кундан ортиқ кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлаши белгиланган.

АААА томонидан жавобгарга 2022 йил 02 февралда жарима қўллаш ва дебитор қарздорликни бартараф этиб, қарздорликнинг сўндирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида 22-06038-сонли талабномани жавобгарнинг шахсий электрон кабинетига юборилган.

Юборилган талабнома жавобгар томонидан эътиборсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5087-сонли Қарорининг 10-бандида 2021 йил 01 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва "эркин муомалага чиқариш (импорт)" божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва

расмийлаштиришни, ишлани бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилиши, 2021 йил 01 май ҳолатида шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилганлигини ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 01 майдан бошлаб янгидан ҳисобланишини белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 28-бандида жарима қўллаш масаласи судда кўриб чиқиладиган пайтда — аризани қаноатлантириш қисқартирилиши таъминланган қарздорлик миқдорига мутаносиб равишда рад этилиши белгиланган.

Демак, аризачининг талаби асосли ва уни тўлиқ қаноатлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси биринчи қисми 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божидан озод қилинган.

Суд, аризани тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар - ББББмасъулияти чекланган жамиятига нисбатан муддати ўтган дебитор қарздорликнинг 5 фоизи миқдорида, яъни 3850 АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти 41638366 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни, почта харажатини жавобгар зиммасига юклашни, жавобгар давлат божидан озод қилинганлиги сабабли, уни ундирмасликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176-179, 186, 222-моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

ААААнинг аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар - “ББББмасъулияти чекланган жамиятига 41638366 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилсин ва уни ундириш аризачи зиммасига юклатилсин.

Жавобгар - “ББББмасъулияти чекланган жамиятидан АААА фойдасига олдиндан тўланган 21600 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг почта харажатини ундириш бўйича ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида шикоят бериш мумкин.

Судья

Н.Зоиров